

Gulchehralar

№2 (34) 8 ФЕВРАЛ, 2002 йил.

«SAODAT» ЖУРНАЛИГА ИЛОВА

1999 йил апрелдан чиқа бошлаган

БАРЧА КУТГАН НАТИЖА

Мамлакатимизда 27 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдуми фуқароларимизнинг демократик жамият куриш сари ташлаган яна бир дадил қадами бўлди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисидаги Баёни тасдиқлади. Ушбу Баёнга кўра, «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз», деган биринчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари ёки 93,65 фоизи ёқлаб овоз беришган.

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз», деган иккинчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.117.841 нафари ёки 91,78 фоизи ёқлаб овоз беришган.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг референдуми бўлиб ўтгани ва умумхалқ овозига қўйилган масалалар фуқаролар томонидан маъқуллангани ҳақида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг референдуми бўлиб ўтгани ва умумхалқ овозига қўйилган масалалар фуқаролар томонидан маъқуллангани ҳақида қарор қабул қилди.



Истеъодли тележурналист
Мохинисо КАМОЛОВА

ҚАДРИ БОРНИНГ — ҚАДДИ БАЛАНД

Яқинда давлатимиз Президентининг аҳолининг ижтимоий ҳи-мояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун шарт-шароитлар яратиш

тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

Шунингдек, ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ҳам қабул қилинди.

Қарорда оилаларнинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Жумладан, 2002 йил 1 сен-тябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф-да ўқиётган болалари билан бир қаторда шундай хонадонларнинг юқори синфлардаги ўқувчилари ҳам бепул киши кийим-бош билан таъминланадилар. Яна кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг камида 75 фоизи, 2003 йил 1 сентябрдан бошлаб эса 100 фоизини ўқув дарсликлари билан таъминлаш назарда тутилган.

Барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиқаётган етим болалар ишга жойлашгаётганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар миқдори 2002 йилдан энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 80 бараваригача, 2003 йилдан 100 бараваригача, шунингдек пул нафақаси 2002 йилда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача, 2003 йилдан эса 5 бараваригача ошириш кўзда тутилган.

Ўқув муассасаси яшаш жойидан узоқ масофада жойлашган ҳолларда бюджет маблағлари ҳисобидан транспортда имтиёзли юриш қарточкалари билан таъминлаш ҳам белгиланган.

Қарорга биноан чақалоқни ўз тарбиясига (патронат) олган, тутинган ота-оналарга асраган ҳар бир чақалоғи учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорда ойлик нафақа берилиши ҳам қайд этилган.

Қарорда таъкидланишича, 2002 йил 1 январдан бошлаб (қишлоқ жойлардаги) умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг кутубхона фондига ўн-гача номдаги газета, журналларга, асосан республика оммавий ахборот воситаларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига обуна қилиш мажбурияти ҳам юклатилган.

Ишламаётган оналарга боласи 2 ёшга тўлгунча қадар парвариш қилиш учун ойлик нафақа тайинлаш тўғрисида таклифлар қабул қилиниши, мазкур нафақани тайинлашда ижтимоий адолат ва ошкоралик тамойилларига риоя қилиниши таъкидланган.

Бундай кадр, эътибор, ғамхўрлик эл-юртнинг қаддини янада кўтаради, ўзига, давлатга ишончини мустаҳкамлайди.

Маҳмуда САЪДУЛЛАЕВА.

МУАЛЛИМЛАР БОС

Баҳор бўйларини бўйлаган майса
Тупроқнинг кўксидан кўтармоқда бош.
Не ажаб, қонинот меҳрингиз туйса —
Сизнинг тафтингиздан айланар қуёш.

Қадам қонунларни бўлғайму енгиб —
Фалақдан бокса бир фалақдай ниғош.
Кетгансиз дунёдай дунёга сингиб —
Сиз ҳаёт ишқиде гуллаётган бос.

Ахир минг йиллардан қолган дунёни
Биз учун этдингиз асраб эҳтиёт.
Бошингиздан сочиб минг бир савдони
Сизга яшамокдан дарс ўтди ҳаёт.

Умр гоҳ мангулик, гоҳ лаҳзалик —
Поёни ноён синаот илм.
Сизга насиб этган гўзал кексалик —
Аслида биз учун буюк муаллим.

Ҳар битта хонадон сиз билан обод —
Элким бу сурурнинг тотин чексалар.
Биз сизга тоғ янглиғ суяксақ хайхот —
Борингизга шукр, азиз кексалар!

Санобар МЕҲМОНОВА.



СЕВИНДИК

Биз муаллимлар ўқувчиларимиз қанча кўп китоб, газета, журнал ўқишса, шунча қувонамиз. Шу пайтгача ҳам болаларимиз 3—4 таси бир бўлиб ё «Гулхан»га, ё «Ғунча»га обуна бўлишарди. Мана энди мактаб кутубхоналари учун 10 тагача нашрларни маҳаллий бюджетдан мажбурий обуна қилиш ҳақида Қарорда белгилангани айни муддао бўлди. Маърифат, маънавий йўлга сарфланган ҳар бир сўм минг баробар фойда бўлиб халққа, давлатга қайтади.

Жудаям севиндик.

Ҳамза НОРҚУЛОВ,
Навоий вилояти, Қизилтепа тумани,
«Ўзбекистон» мактаби директори.

2	3	4	5	6	7	8
✓ ХОНБУВИ ДЕСА ✓ ДЕГУДАЙ	✓ ЗУЛФИЯХОНИМ ✓ КИЗЛАРИ ✓ БЕЛЛАШМОҚДА	✓ КҮШ ✓ ШАРҚИЙ ✓ ШУБҲАСИ	✓ ИЛОХИЙ ШЕВА ✓ КАРИ ✓ БАЛТАНИНИ...	✓ ШИРИННИНГ ✓ СИФАТАРИ: ✓ НИГОРО, ✓ МАҲВАШО	✓ ВАЯНГОН ✓ АФСОНАСИ ✓ КҮНГЛИМ, ✓ КҮНГЛИМ...	✓ ВАСИЙЛИК ✓ НИМА? ✓ РЕЖАЛИ ✓ БУРГУТ

2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Хонбуви деса дегундай. Оз эмас, кўп эмас саксон баҳордан сакрадилар. Саккиз фарзандидан 41 та нева, 52 та чевара кўрдилар. Ҳалиям қомати тик, сўзлари маънили, қадами далил. Шахсий ҳужаликлари бақувват: 20 та қорамол, кўй, эчки, паррандалар, ижара ерлари ҳам бор. Буви оёқ-қўллари чаққон, қадамидан ўт чақнаган келлиларини дуо қилади.

Галла экишади. Ҳалиям шудринг қўнган галлазорнинг тонгда жаннат ҳиди уфуриб турган шамолда шовуллашгани севади. Ўтган йили 20 тонна ҳосил йигиб олишди. Қанчасини (Хонбуви савобли ишнинг аниқ ҳисобини айтишни ёқтирмайди) бева-бечораларга улашиб берди. Бугун фарзандлари, туримизни тўлдириб ўтиринг, она, дейишади, уринишларини иштамайди. Ишламасам мазам қочади, дея Хонбуви ҳеч кимни гапиртиргани кўймайди.

Хонбуви Имомованинг бошидан озмунча қийинчиликлар ўтмадими? Жамалак сочли қизалоқлар сингарли мактабга терисига сиғмай қувониб бортанди. Тоған «халқ душмани» деб мактаб оstonасидан ичкарига кири-

ХОНБУВИ МОМО

тишмади. Ўша кун хун бўлиб йиғлаганди. Отаси қовоқлари йиғилган шишиб, ўпқасини ҳеч босолмаётган қизалогини бағрига босганча овутган эди.

— Хафа бўлма, ўқимасанг, ишларсан. Меҳнат қилсанг кам бўлмайсан!

Хонбуви меҳнат билан овунди. Онасига уй юмушларида қарашди. Нон ёпти. Ҳовлидаги бир парча ерга меҳр берди. Хонбувининг зуваласи пишиқ, бўйчан, бақувват қиз эди. Отаси ясаптириб берган кетмонини елкасига ташлаб қоматини айл тутганча ҳайдашча ҳам кетмайман, дея аҳд қилиб далага ишга чиқди. Тонгдан шомгача ер чопди, ятана қилди, этак-этак пахта терди. Пахта тердию бир зумда тутаб қолаётган чамандек очилган дўппи пахталарга қараб яна қандай ишласа, бундан ҳам кўп мул ҳосил олиш мумкинлиги ҳақида ўйлади.

Бригадир, раис бўлди. У ҳақда эл оғзида «пахтакор қиз Хонбуви» деган қўшиқ тўғилди.



Иккинчи жаҳон урушининг қийин пайтларида юртнинг оғирликларига елка тутди.

Бутун умр одамларнинг оғирини олиб, меҳридан енгиллик бериб Самарқанд вилояти Нуробод туманида яшаб келаётган Хонбуви Имомованинг ўғли Холёр Аввалов она изидан бориб «Зарафшон» ширкат ҳужалигига раислик қилмоқда. Хонбуви момо ҳар куни ўғлининг ишдан қайтишини сабртоқат билан кутади. Келгач бирга камтарин дастурхон атрофида ўтириб тонг билан хуфтон орасигача бўлган ишлар хусусида гаплашишади.

— Ерга қара болам, ерга, — дейди тупроқ билан тиллашавериб уста бўлиб кетган Хонбуви, — сарғиш тортдим, эски пахса деворларни, гўнги, чириндими — олиб келиб тўкавер. Болангдай қара!

Бу йил ширкат ҳужалигига табиий газ келди. Ширкат ҳужалиги аъзолари шодлигининг чеки йўқ. Бу яхшиликда ҳам

Хонбуви Имомованинг «ҳа-ҳа»лаши борлиги аниқ.

Иккинчи ўғли Олмос Аввалов тумандаги бирлашган марказий касалхонанинг бош шифокори. Шарофат Жиззах вилояти шифохонаси бўлим бошлиғи, Толмас муҳандис. Шафоат, Адолат, Гулбаҳор, Гулчеҳралар эса ўқитувчилик касбини улуғлаб келишяпти.

Ўтган йили Хонбуви Имомова «Мукаррама аёл — 2000» республика кўрик танловида қатнашиб биринчилиқни эгаллади.

Хонбуви момонинг эшиги ҳаммага очик.

— Тез-тез келиб туринглар. Сизларни кўриб онамизнинг умрлари яна бир неча йилга узаяди, — дейишади меҳмоннаво болалари.

Зеро, умр дўстлар, уларнинг дийдори билан улўғ бўлса, ажабмас.

Дарвоқе, тоғаси адолат қарор топган замонларда оқланди.

— Бу мунаввар кунларнинг йўлларида кўплар соҳилиб қолди. Шукр, биз кўрдик. Бизнинг кексалигимиз ҳам гўзал кексалик, — дейди Хонбуви Имомова ҳаётдан рози-ризалик билан.

Холтош УСМОНОВА.

ФАРМОНГА ШАРҲ

Пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш тизимининг максималлигини ошириш ва уни янада такомиллаштириш йўналишида пенсия микдорининг меҳнат ҳиссасига боғлиқлигини кучайтириш орқали уни самарали рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини яратиш режалаштирилган. Айни чоғда пенсия микдорини белгилашда меҳнат фаолияти давомийлиги бўйича чеклашлар бекор қилинади. Тайинланган пенсия микдорининг меҳнат фаолияти давомийлигига узвий боғлиқлиги таъминланади.

Яъни, аввал амалда бўлган пенсияларни тайинлаш механизми бўйича пенсионерлар пенсияга чиқиш вақтида оладиган пенсия микдори неча йил ишлаганидан қатъий назар, 75 фоиздан ортмаслиги керак эди. Янги қонунчиликка кўра бу чеклашлар олиб ташланади.

«Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилингандан сўнг ушбу чеклашлар бекор қилинди, бу эса айрим пенсия ёшдаги фуқароларимизга жуда қўл келади деб ўйлаймиз.

вакиллари боргани бошқа.

Хатимни «Гулчеҳралар»да эълон қилсангиз, фикрларимиз эгасига етса, хурсанд бўлардим.

Шаҳзода ЙҮЛДОШЕВА,
Ўзбекистон тумани,
Япан шаҳри.

Шаҳримизда менга ўшанган ёшлар кўп. Ҳаммамиз «Саодат» ва «Гулчеҳралар»ни севиб ўқиймиз. Тенглошларимиз қизиқувчан. Ҳозир барчамизнинг айлани куч-қувватга тўлган пайтимиз.

«Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ўзбекистон тумани бўлими ҳам ишлай

бошлаганига анча бўлди. Бу ташкилот ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор беришини истардик. Ахир биз бугун Ватанимиз юксалишига ҳисса қўшмасак, эртага кексайиб, кучдан қолганда пушаймон қилмаймизми?

Қўлида ийи йўқ тенглошларимиз баъзи ташкилотларга

ИСТАК

бориб кўришди, аммо уларга ҳам тайёр, кўп маҳсулот берадиган ишчи керак-да.

«Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳар хил тадбирларни

уюштиради. Шу тадбирлар билан бирга ёшларни касб-корли қилиши, турли корхоналардан бўш ўринларни излаб топиши, кичик корхона, фирма-лар билан гапиришиб ёшларни ишга жалб этса, деймиз. Ахир ўзимиз борганимиз бошқа, Президентимиз назарларида турган «Қамолот»нинг

— Бувам Ёқубжон мисгарни Себзорда ҳамма таниркан. Замоннинг зайли билан мен Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида туғилганман. Оилада икки қиз эдик. Опам Мушаррафхон ва мен. Отам эрта дунёдан ўтганлар. Онагинам мактаб ошхонасида овқат пишириб, нон ёпиб бокди бизни. Опам 7-синфини битириб, онамга ёрдамлашиш учун ишга кирди. Икковлар биргаллашиб, мени ўқитмоққа чоғландилар. Ҳам 11-синфда, ҳам мактабда ишлайман, денг. 1952 йили ҳозирги Низомий номли педагогика институтининг кечки курси-

ин ҳам эшитмай. Эр бўлиб, бундоқ бир ко-йсангиз-чи, десам, жимлайиб бош силкийдилар, холос.

Болалигимдан бошлаб, китоб ва гулларни ҳамда дўстларни яхши кўраман. Мансабимдан фойдаланиб мол-дунё, тилла-асбоб йиғмадим! Дала ҳовлимизда турли хил гуллар бор. Кўпинча улар билан гаплашиб ўтираман. Улардан куч оламан. Мени соғинмадиларингми, деб сўрасам, улар баргларини шитирлатиб, севингандай бўлишади. Ўн мингтага яқин китобдан иборат кутубхонам бор. Ҳеч қачон китоб ўқишдан зериккан эмас-

гўзал шоира эди Зулфия опам. У дунёси ҳам гўзал бўлган бўлсин.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида оила манфаатларини ҳимоя қилиш асосий ўрин тутган. Унинг ҳар бир бандида аёлни ҳар томонлама ардоқлаш режалаштирилган. Қарор билан танишганимизда ҳаёлингиздан нималар кечди?

— Маъзур Қарорни мен аёлга бўлган ғамхўрликнинг, келажақ ҳақида қайғуришнинг мукаммал ифодаси деб билдим. Шўролар даврида аёлнинг оналиги, соғлиғи, оиладаги ва жамиятдаги мавқеини юксалтиришга оид бирор фармон ёхуд қарор чиққанини эслолмайман. Тўғри, Ўзбекистон хотин-қизларининг I, II, III сьездлари бўлиб ўтган. Сўнг рухсат беришмади шекилли, ўтказилмай қўйилди. Аёлга туғишдан аввал ва кейин 56 кундан таътил берилар, у туғиши билан ишга чиқиши зарур эди. Хуллас, ўзинг учун ўл етим, тарзида яшайверардик. Истиқлол йилларида аёлга бекисё ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, оналик ва болаликни, миллат генофондини ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Бизларга қараган яхшиликларни юртбошимизга худодан қайтсин.

— Ёшлик давридан сизга қандай хотиралар қолди?

— Халол ва пок яшаш, меҳнатни севиш ҳамда одамларга яхшилик қилиш. Бундай мерос—ҳаёт мазмунини кенгайтиради. Ҳар бир ўзбекистонликнинг ёшлиги ватан равнақига хизмат қилсин. Ва ҳар кимга хиртиржамлик, бахтли кексалик ҳам насиб этсин, дейман!

Гулчеҳра ЙҮЛДОШЕВА
суҳбатлашди.

Ёшлигим...
Ёшлигим...



СЊИРАТИ, СУВРАТИ ГЊЗАМ

Халқимизда Аллоҳнинг суйган бандаси, деган ибора бор. У ҳар жихатдан бахтли ва омадли одамларга нисбатан ишлатилади. Республика «Нуроний» жамғармаси хотин-қизлар билан ишлаш ижтимоий гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ҳасорат» медалли соҳибаси Хосият Ёқубжонова ҳам, агар таъбир жоиз бўлса, Аллоҳ суйган бандалардан бири. Сўзларидаги самимийлик билан кўзларидаги меҳр (балки сеҳрдир) омухталлашиб, ҳар қандай суҳбатдошни ҳам ром айлайди. Соҳлари дид билан турмакланган, қош-кўзлари сурмали. Пардоз-андозда худди сўзларидаги каби бирорта ортиқчалик йўқ. Ётмишга етай деб турган бу аёл тенгсиз нафосати билан гўё баҳорини эслатди менга. Файратини айтмайсизми?

— Хосиятхон опа, ёшлик инсон умрининг бетакор ва гўзал фаслидир. Бугун ҳам сизнинг нигоҳларингизда ёлқинлашиб турибди...

га ўқишга кирдим. Ёшлиқнинг қаноти бор, деганлари тўғри экан. Чарчадим деган сўзни билмасдим. Югур-югур, чоп-чоп, ҳаммасига улгурардим. Ўқишнинг кетидан қувдим. Бешта дипломи бор. Ҳар хил лавозимларда ишладим. Тўнғичим Гўзал уч ойлик чақалоқ эди. Катта даргоҳларнинг масъулияти катта бўлади. Охири Шароф Рашидовнинг хузурига кириб, дардимни айтдим. Ҳар уч соатда уйга бориб, чақалогини эми-зиб келишим учун алоҳида енгил автомашина бириктириб қўйишди. Одамгарчилик бундан ортик бўлмайди. Зилзиладан кейинги йил. Шароит оғир. Ишонасизми, кечаси уйимда эмас, йиғма қараवот қўйиб палаткада ётардим. Эрим, умри узоқ бўлгур, Маннон ака овқат олиб келиб, менга едириб кетарди. У киши ҳам синфдошим, ҳам холавачам, ҳам бир умрли ҳамхонам. Дунёда аёлга эрдан, эркакка аёлдан буюрсин экан. Менга чиндан ҳам буюрган. Шунча йил бирга яшаб, бир оғиз кўпол гапини эшитмадим. Илоё, бундан кей-

ман. Аксинча, кутубхонамда кўпроқ ўтиришга ҳаракат қиламан. Қанча кўп ўқиганим сари шунча кам нарса билишим аён бўлиб бораверади.

Музейлар — жону дилим. Францияга борганимизда аксарият аёллар магазинма-магазин чопиб юришди. Мен Лувр мезейидан чиқмадим. Ҳайрат, мўъжиза, гўзаллик ўша ерда. Турли ялтир-юлтир матолар ўзимизда ҳам тикилиб ётибди.

Ҳозир мактабларга турли корхоналар, якка шахслар ҳомийлик қилишади. Истардимки, улар ўқувчиларга ширинликлар эмас, китоблар олиб боришса.

— Севишли устоз шоирамиз Зулфия опа билан жуда яқин бўлган экансиз...

— Қадрдонлигимизнинг чеки йўқ эди. Ҳамма китобларини жовонга те-риб қўйганман. Шеърларини қайта-қайта ўқийман. Бир тўхтамга келолмай иккиланган кезларимда ҳаёлан шоирага мурожаат қиламан. Янги шеър ёзсалар, дарров мени қакириб, ўқиб берардилар. Гўзал она, гўзал аёл ва

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ НОМЗОДЛАРИ

ЭНГ ЯХШИ ЭРТАКЧИ



Маргуба ўзини буткул унутди, болалар билан бирга оламига кириб кетди. Унинг барча машғулоти "Мушук ва сичқон" эртани саҳналаштираётгандай қизиқарли ўтди.

— Ҳозир сен Азизжон эмас, сичқонсан, оппоқ, жимитдай қув сичқонча. Ана, ўхшадиг. Энди талаффуз-мизни ростлаймиз...

Анджон вилояти Жалакудук тумани халқ таълими бўлими қошидаги "Агробизнес" марказида ўқувчилар оғзаки нутқ малакаларини ривожлантириш курс раҳбари Маргуба Туркбоева Ойим қишлоғидаги 7-лицейда ўқиётганда инглиз тилини астойдил ўргана бошлаган эди...

2000 йилда "Аксельс" танловиди иштирок этиб, АҚШга бориб ўқиш ҳуқуқига эришди.

Миннесота штатидаги Кингленд мактабининг 12-синфини битирди. У океан ортида ўқиётганда АҚШда энг оммавий бўлган "4-Н" клуби аъзоси сифатида турли шоулар, кўриқларда иштирок этиб, "энг яхши фотожурналист", "энг яхши эртаки", "компьютер саводхонлиги", "миллий кийимлар" каби кўрик-танловлар голибаси бўлиб, тенгдошлари орасида ўзбек қизининг моҳирлиги, билимдонлигини намойиш этди.

— Хориждан юртимизни соғиниб келдим. Астойдил ишлялман. Болаларимиз шу қадар тил ўрганишга қизиқшади, саволларидан баъзан шошиб қоламан, — дейди Маргуба ўз машғулоти, ўз шогирдларидан кўнгли тўлиб.

МАРНА — СЕЗРАЛИ ДУНЁ



Йиллар тўзониди саргайган қатқат китоблар, боғлам-боғлам саҳифалар. Ўз халқ тарихини севган, ундан ҳикмат излаган одам учун булар шунчаки қоғоз эмас, она юрт тарихининг бир қисми, уларни кўзига суртиб, авайлаб ўрганади.

Анджон вилояти марказий давлат архивида архивчи-мутахассис бўлиб ишлаётган Шахло Хусанова 1993—94 йилларда Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номли нафис санъат лицейида аълочи бўлиб ўқиб юганида ҳам, Анджон Давлат университети тарих факултетининг фаол талабаси бўлган пайтларида ҳам тарих билан жиддий шуғулланди. Шахмат ўйнаётди, мусобақаларда голиб бўлаётди, гул экиб, гул ўстираётди ҳам ҳамма севимли қизиқишларини тарихга боғлагиси келарди.

Тарих фанлари доктори профессор Н.А. Абдурахимова раҳбарлигида "Чор маъмуриятининг иш юритиш ҳужжатлари — Туркистонда давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар тарихини ўрганишда муҳим манба" мавзусидаги номзодлик диссертацияси бўйича матбуотда эълон қилган материаллари кўпчилигини диққатини тортди. Рус, инглиз, форс тилларини билиш унга яна бир имконият. Шахло Хусанова Анджон кўзғолони тарихи, Дучки эшон ҳақидаги мақоласи ўзига хос изланиш самараси бўлди.

НИЛУФАР

...Меҳрининг уруғин дилимга экиб, Чексиз ҳаёллarga беражакман эрк...



Ёшларнинг туйғулари беғубор, орзулари қанотли бўлади. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сурхондарё вилояти Шеробод тумани котибаси Нилуфар Бозорова матоларга кашта нақшлайди, гул ўстиради. Шеробод телевидениесида ташкил этилган "Тафаккур гулшани" кўрсатувида адабиёт, ёшлар ва замон мавзуларида бир неча бор иштирок этди.

"Беғубор орзулар" илк шеърини китобчаси Нилуфарда дунёни ўзига хос ҳис этиш ва ифодалаш усуллари энди қуртак ёза бошлаганини билдиради.

ХАЁТ

...Бугун тунда танҳо ўтириб ўзим, Ўтган йилларимни этдим сарҳисоб. Босган ҳар қадамим, сўзлаган сўзим... Гуноҳим кўпмикин, кўпмикин савоб? Баъзан ҳаёт бизга бокмайди қулиб, Баъзан омад келар бўлиб бир қарвон. Армонли дамларда яшайсан тўлиб, Қувончларинг эса бўлади дармон.

БОЛАЛАР СИРДОШИ



— Мен катталардан кўра болалар дунёсини тезроқ англайман, — дейди Термиз Давлат университети ўзбек филологияси факултети I курс талабаси Шаҳноза Норкулова.

Шундан бўлса керак, унинг туман ва вилоят газеталарида эълон қилинган машқларининг кўпи болаларга аталган.

Шаҳноза бир қарашда хушчақчақ кўринса-да, дунё ва инсон, шахснинг жамиятдаги ўрни ҳақида жиддий ўйлайди.

Шаҳнозанинг "Сирдош юлдузлар" китобидан бир шеър ўқийсиз:

АЛПОМИШ

Алп қанотли Алпомиш, Сут ичдингми, қимизми, Бола бўлганмисан ҳеч? Айтавергин номма-ном. Ойкулча сўрадингми, Чунки бугун кўп бола Оймомога боқиб кеч? Сендай бўлгиси келар. Унда бир сирни очгин, Ватан учун улғайиб, Егансан қандай таом? Кучга тўлгиси келар.

РАНГЛАРДАГИ ЖОЗИБА

Ҳамма баҳорлар кўрки билан сеҳрланади. Охиста учаётган қуз япроқларида бир видо ҳис этади. Аммо кимдир бу манзаралар ёнидан шундай ўтиб кетди, кимдир ранглар, ҳаракатларни борлиги билан кўзига сиғдиргиси келарди. Бундай кайфиятлар кўпроқ рассомларда рўй беради.

Бухоро Давлат университети-нинг бадиий графика факултети I курс талабаси Наргиза Бўронова Бухоро вилоятининг Жондор туманида улғайган. Кенг яйловлар, яшил адир, қирлар унинг кўнглига тасвирий санъат иштиёқини муҳрлади.

"Илҳом кўйида", "Келин", "Ховли" каби карти-

налари Наргизада санъатга иштиёқ ҳаваскорлик эмаслигини кўрсатди. Ус-тозлари унга алоҳида эътибор беришди. Айни кунда ёш рассомнинг Бухородаги санъат музейида шахсий кўргазмаси очилган. 2001 йил мустақиллик байрамига бағишлаб Тошкентда ўтказилган "Бухоро хунармандлари" намоиши этади "кўргазмасида иштирок этди.

АҚШнинг Нью Америка штати Сантафе шаҳрида ўтказилган қардош шаҳарлар халқро кўргазмасида ижодий ишлари намоиш этилди.

Наргиза Бўронова изланишда, янги санъат асарлари илҳом билан яшайди.



ҚЎШИФИМСАН, ВАТАН



Иқболой Бекмуродова Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманидаги хушхўр Нанай қишлоғидан. Ойдин номли 44-ўрта умумтаълим мактабининг 9-синфида ўқийди.

Мустақиллик шарофати билан улугъ аждодларимизни хотирлаш, миллий байрамларни тантанали нишонлаш мактабларда ҳам одатга кирди. Иқболой бундай тантаналар учун сценарийлар ёзди. Айниқса, унинг Ватан мустақиллигининг 10 йиллик тантанаси учун тайёрлаган "Хурлигинг муборак, Ўзбекистоним" сценарийси кўпчиликка маъқул келди. "Она тилим жону дилим" сценарийси ҳам туман мактабларида оммалашиб кетди.

Ўзбекистон радиосининг "Келажак тонги" эшиттиришларида жамоатчи муҳбир сифатида тенгдошлари ҳаётидан хабарлар юбориб турлади.

АБУ НОСИР ФОРОБИЙда шундай гаплар бор: "Илмни ўрганишга киришмоқчи бўлган одам ёш, камтар бўлиши, яхши саломатликка эга бўлиши, одобли ва тарбия қўрган, қатъий, айёрлик ва алдашдан йироқ, туғма салбий қилиқлардан ўзини сақлай биладиган, илм ахллари-га ҳурмат билан қарайдиган бўлиши зарур".

Б

Б

Б

Б

Б

Б

Б

Б

Б

Б

Навоий Давлат педагогика институти ҳузуридаги Академик лицейининг III курс талабаси Сарвиноз Қодированинг "Буюк мутафаккирларимизнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшган ҳиссалари ва унинг оламшумул аҳамияти" номли рисоласида Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби улугъ олимларнинг маърифат, маънавият ҳақидаги фикрларини ўз олами нуқтаи назаридан англашга ҳаракат қилади.

Сарвинознинг "Орзулар остонасида" шеърини тўплами чоп этилган. Тикувчилик, зардўзлик курсларини битирган.



ЗУЛФИЯ



Халқ фарзандларини ўзлари ихлос кўйган одамларнинг исми билан кўпроқ атайдилар. Зулфия Бобоева ҳам Навоий вилоятида яшайдиган шеър ихлосмандларининг фарзандлари бўлса ажаб эмас.

У Навоий туманидаги 9-мактабнинг 10-синф ўқувчиси. Ўзи туғилган Ҳазора қишлоғининг беғубор манзаралари, болалик соғинчи акс эттирилган машқлари "Маърифат", "Тонг юлдузи" газеталарида чоп этилган. Илк китобчаси "Баҳор соғинчи" деб аталади.

СУМАЛАК ТОШИ

Орзуларим оламида султон эди, У икки тош гўё бахтдан нишон эди. Маним учун соғинч эди, имкон эди. Сумалакнинг тошларини отдинг қаён, Мен унга зор, муштоқ эдим, дугонажон.

ДУСЛИМ ДЕБ...

Бувим айтганлари билсам, рост экан, Яхши деб юрганим ёмон зот экан. Бировдан гул ҳада, бировдан тикан... Дўстим деб ҳар кимга очма дилингни.

Дўстим бисёр дея кўкрагинг керма, Уларга беҳуда сирингни ёрма, Сирингни ёриб, сўнг бошингни ёрма, Дўстим деб ҳар кимга очма дилингни.

Дейдилар: вафоли дўст йўлга солар, Йвгоғари эса пойингдан олар, Ҳақиқий дўст номи калбингда қолар... Дўстим деб ҳар кимга очма дилингни.

ЎЗИ АСРАСИН

Тўхмат балосидан ўзи асрасин, Тўхматга учрамоқ баридан ёмон, Тўхмат «гурқираса» сўнади ҳаёт, Тўхмат — гўё тубсиз, қоронғу зиндон.

Унга дуч келишдан асрагин, Аллоҳ, Бемаҳал сўлишдан асрагин, Аллоҳ...

Орзиғул ҲАМРОЕВА,
Бухоро.

Б Е С Т Ё Н А С И Д А

ИПДИЗЛАР ВА ЯПРОҚЛАР

ЁДИМИЗ китобидаги хотиралар бизга қанчалик хуш бўлмасин, бора-бора бу хотиралардан узоқлаша бошлаймиз. Соғинчи юрагимизни куйдирмайдиган бўлади. Аммо мен раҳматли ота-онам халқ артистлари — Кама-ра Бурнашева ва Аббос Бакировлар ҳақида бундай дея олмайман...

Улар мен учун ҳамisha тир-риқдай. Нимадандир таш-

лида Ойбарчин образини яратган йили мен — тўртин-чи кенжа фарзанд бўлиб дунёга келибман. Исми-м ҳам ўша образдан ёдгор.

Нимқоронги томоша зал-лари, гулдурас қарсақ чалаёт-ган одамлар, аямнинг кучли, сехрли овози, пардоз хонада-ги бўёқлар ҳиди, ранг-баранг либослар, қилич-совутлар жаранг-журунги ... болали-

та сўзлашардим.

Кунларнинг бирида уй-мизга раҳбарлардан бири кел-гани эсимда.

— Аббос ака, сиз шу хов-лида турасизми хали? Биз сизга шароитлари яхши уй қилиб беришимиз зарур, — деган. Аям суянганлар, чунки катта ховли қишда кўмир би-лан иситиларди. Аям қорай-

ажойиб кунларни эслайман. Тўнғичимиз Ойдин опам, ака-ларим, аям — ҳаммамиз кино-театрда томоша қилганмиз. Кино тугагач, одамлар бизни, дадамни жуда узоқ олқишла-ганлар.

— Бобомизни кўролмадим, деб армон қилманглар. Юсуф-бек ҳожи бобонгизнинг худди ўзи, — деб кўярдилар дадам.

Тақдир тақозоси билан



Кама-ра БУРНАШЕВА

ҚУШЛАМЧИШПРОҚШУЪЛАСИ

виш тортсам, таскин-тасал-ли беришади, суянсам, омадим келса, бирга қувони-шади. Елкамда дадамнинг қўллари тафтини, манглай-имда аям нафасларини яққол ҳис этаман.

Андижон халқи нозик-таъб, шинаванда, зиёли халқ. Бир пайтлар аямга таб қўшиқлар тўқишган:

**Оймисан ё Кама-ра,
Исминг Кунми, қамар-а?
Дунёга суоқ қизсан,
Бизга бир қулиб қара!**

Аям қирқ кокиллари та-қимларини ўпиб, Андижон қўчаларидан театрға ўтганда мажнунтоллар панасидан янгар экан бундай қўшиқлар.

Дадам бобомизга торт-ган хуштабиатли, хушсўзли, хушсўхбат инсон бўлганлар. Бобомизни Саидбакир деб атаганлар. Табиблик, китоб-дорлик билан ном қозонган, элининг эъзозли кишилари-дан бўлган.

Дадам билан аям Анди-жон театрида бири етакчи актёр, режиссёр, бири бош қаҳрамонларни ўйнайдиган актриса сифатида доврўқ қозонган саодатли кунлари-да кўнгул қўйишиб, турмуш қуришган.

Аям "Алпомиш" спектак-

гимдан театр ўз уйимдай бўлиб қолган.

Зина опа деган костюм ти-кадиган аёл бўларди, ёнида пил-дираб юрардим. Ялтироқ тулға-ларини силаб кўрардим тикаёт-ган либосларининг. Шу аёл ту-файли тикувчиликкаям меҳрим тушган. Яхшигина тикаман.

Энг гўзал хотираларим Ан-дижондаги бобомиздан қол-ган қадимий ховли билан бог-лик. Уйимизга Тамарахоним-дан тортиб Ҳалимахонимга — эл назаридидаги кишилар тез-тез меҳмонга келишарди. Хо-лаларим, аммаларим елиб-югуриб хизмат қилишар, чина-кам байрам кўринишини оларди уйимиз. Фақат аям,



Ойбарчин БАКИРОВА

дадам кичкина хоналарига ре-питицияга киришганда, ҳам-мамиз оёқ учида юриб, оҳис-



Қадрдонлар. Шуқур БУРҲОН ва Аббос БАКИРОВ

ган қўллари махсус тозала-гичларда узоқ оқартириб, сўнг спектаклга кетардилар.

Ваъдадаги уй ҳам топил-ган. Аммо дадам кўчишга кўнма-ганлар. Сабаби маҳобатли, ис-сиқ-совуқ суви ховли мусо-дара қилинган уй экан.

— Яхшими, ёмонми ўша одам ўз фарзандларига атаб қурган бу уйни. Уларга буюр-маган ховли менинг фарзанд-ларимга ҳам буюрмайди, — деб дадам кўчишга рози бўлмаганлар. Яна у киши ҳақида ўйлаганимда "Ўтган кун-лар" филми экранга чиққан

Тошкентга келдим, актрисали-кни тақдир билдим. "Армон", "Алиф Лайло", "Аёл зоти" каби бадийи, видеофилмларда об-разлар яратдим. Юзлаб кино-ларда дубляжда овоз бердим. Илгга жуда қизиқувчи, хали хануз ўқиб чарчамайдиган Ни-гора исмли қизга она бўлдим.

Дадам бу бахту ташвишлар-римдан бир қисмини кўрдилар.

— Санъат юракнинг ҳамма-сини талаб қилади. Шунга кўнчиг етса, ўзинга ишонсанг, менинг оқ фотиҳа берганим бўлсин! — деган эдилар.

Аям 75 ёшигача театр сах-

насидан тушмадилар. 80 ёш-ларида Президентимиз фар-монлари билан "Эл-юрт хур-мати" орденига муассар бўлдилар.

— Мени халқим, юртбо-шим унутмабди, деб қанча-лар суянган эдилар ўшанда хаста ётган кўйи.

Мустақиллигимиз ўн йил-лиги тантаналари арафаси-да кино ва театрда ўлмас сиймоларни яратган Аббос Бакировга "Буюк хизматла-ри учун" ордени берилди.

Мен маҳобатли Оксарой-да бу улуг мукофотни Пре-зидентимизнинг қўллари-дан олаётиб қанчалар ҳаяжон-ландим. Дадам шу яқин ат-рофда туриб:

— Барчиной қизим, қўлингиди санъатимиз машъали, уни ўчирмай, по-риллатиб, авлодларга етказ! — дегандай бўлдилар.

Ўша саодатли кун уйи-миз тўридаги қулиб турган уларнинг сувратлари қарши-сига ўтирдим:

— Аяжон, дадажон! Мен сизлардан кўп меҳр кўрган, меҳр қизиман. Эндиги қал-бимдаги бор қувватим, му-ҳаббатим сизни суянган, сиз суянган халқимга! — дедим.

Хали-хамон шу туйғулар қанотига учиб юргандаман.

Ойбарчин БАКИРОВА,
Ўзбекистон халқ артисти.

МЎЪЖИЗА

Кун Кўкнинг ичига ўрнашди чоғи, Бирдан майин тортиди қаҳратон-қар. Қоп-қора булутлар оқ-оппоқ ёғди, Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

Дарахтлар титракда эди — тўхтади, Бог улар устига ёйди оқ чодир. Қарғалар сайради — қушга ўшади, Эрта бир мўъжиза бўлажак содир

Сукунатга келди қумушдай жаранг, Йўл бўлса, жимлик ҳам гапирар ахир, Чиндан йитдимикан барча сўйик ранг, Эрта бир мўъжиза бўлажак содир

Пастлик баландлади, кенгайди торлик, Сувлар кўпайишди, ҳаволар атир. Севганин кутгандай ясанар борлик, Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

Хаёлда энг ўтли соғинч уйғонди, Хаёлда тирилди энг буюк хотир. Тилакда умиднинг шамлари ёнди, Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

Худойим, қароғим ёшланмоқдами, Худойим, юрагим урарми ботир? Бизда-да ўзгариш бошланмоқдами, Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

ОРЗУ

Ўйчангина қизим, бўйчангина қизим, Хусайни бармоқлари чечангина қизим.

Тилаб-тилаб олган тиловқушимсан, Чўғ устида унган найқамишимсан.

Гоҳ ҳақ истагида мен доғланаман, Жонимга ўт тушиб, қурғоқланаман. Чақмоқ қарашингда баҳорий қувват, Термулсам, тўламан, ирмоқланаман.

Қувонч қоямдаги гурур байроғим, Сийм сандигимда олмос балдоғим, Ҳарна тимсол топсам, ундан баландсан, Чироғим, қақноғим, гулим, япроғим.

Энди муножотим Сенга ишондим, Шахду шижоатим сенга ишондим, Умидим бир бошим умиди эмас. Орзум ижобатин сенга ишондим.

Бутун бўл, ушата олмасин ҳеч ким, Кучли бўл, тош ота олмасин ҳеч ким. Озод инсон деган зўр мансабга ет, Ва ундан бўшата олмасин ҳеч ким.

МЕН ФУТБОЛЧИ БЎЛАМАН

Нажотнинг истаги

Қўлингга қарайман — тол чивигидай, Узун оёқларинг шу қўл шериги. Йўқ, дейман. Қўзингдан гулнинг чигидай Томчилар томчийди. Баргим эрийди.

Катта ўйинларда кичик юрагинг, Худди Ўзбекистон дарвозасидай.

"Гол" учун жонингни келар тўлагинг, Енгиллиш — номус-ор, шаън азасидай.

Мағлублик алами бепичоқ сўйса, Сени майдонларга келар туширгим. Йигит енгилмайди юртини сўйса, Ишқнинг енгилганин ким кўрибди, ким?

Ким "Зафар ё завол" дея чўкиб тиз, Ватан байроғини ўпса ҳар сафар Майдонга кирганда куч келар тенгсиз, Қийналиб бўлса-да топади зафар.

Қўлингга қарайман — толнинг чивиги, Узун оёқларинг — айтмоқ на ҳолат? Фақат ёлқинларан кўз қорачинг, Менинг бор умидим кўзингдан, Нажот.

ОНАЖОН

Қизғалдоқ барғидай икки жуфт китоб, "Мен ҳақман" дегувчи бир жуфт қоракўз, Қалбида ловуллаб ётса-да офтоб, Қўп аёзлар кўрган мискингина дўст... Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон, Рози кетдингизми мендан, онажон?

Тоғ кесиби, дарёлар бошлаб келмадим, Хансираб ётибди Орол — толгин от, Эртақ одамича бўла билмадим, Эртақ эртақ экан, ҳаёт — бу ҳаёт. Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон, Рози кетдингизми мендан, онажон?

Қуёш ўз ўтидан бўлганда беҳол, Узоқ осмонларга боқиб эландим. Бола тилагандай бефарзанд аёл. Қақраган ерларга ёмғир тиландим. Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон, Рози кетдингизми мендан, онажон?

Хали китобларим бўлар бир даста, Ўжар болаларим бахти ярқирар. Ёмғирлар ёғади тиник, оҳиста, Қумларнинг ўрнида дарё ҳайқирар... Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон, Рози кетдингизми мендан, онажон?

Тилга босдим, ўчди сўзим учқуни, Лабида жилмаяр таскинин нақши. Хар лаҳза азиздир, дунё уч қуллик, Қийналиш — табиий, яшамоқ яхши, Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон, Рози кетдингизми мендан, онажон?

ҚУТЛИБЕКА



Ойла даврасида

МУКАРРАМЛИК

ИЛОХИЙ ШЕВАЛАР



Турғун аканинг аёллари ҳикоя қиладилар:

— Бир куни қайин-эгачим билан болоҳонада кўрпага пахта сояламиз. Турғун акангиз пахтадан танбур чалиб ўтиргандилар. Нима бўлди-ю, ўша томонга кўзим тушиб қолди. Хайратдан қотдим. Қайин-эгачимни туртиб имлайман, унинг ҳам нафаси ичига тушди — шу десангиз, бир мусича Турғун аканинг бу елкасида, яна бир мусича иккинчи елкасида, бир мусича эса дўпписида кўниб турарди! Куй чалинган, улар ўтирибди. Куй давом этапти, улар ҳануз ўтирибди. Оҳанг тугагандан сўнг нима бўлар экан деб биз бу ёқда илҳақ! Куй тугади. У киши ҳам уларни чўчи-тиб юбормай деб, “дин-гир-дингир”га ўтдилар. Куйдан маъни чиқмагач, мусичалар учиб кетишди.

“Куйдан маъни чиқмагач” деган жойига эътибор беринг. Мусича қаёқдаю куй қаёқдаю маъни қаёқда! Лекин шу ўринда мусичаларнинг

куй эшитгани келгани — ҳужжат! Мўъжизани қаранг, шу тобда инсон ва қуш бир тилда, куй тилида галлашди, дардлашди! Балки бу уларни бирлаштираётган илоҳий шевадир?

Оналари Турғун акага юклик эканлар. Оталари бир туш кўрибдилар: эмиш осмондан Ой узилиб, уларнинг дарвозахонаси олдидаги дарахт ичига тушиб кетибди. Кейин бу киши тиракка чиқиб, Ойни олибди-да кўйнига солибди. Уйғониб, тушларини оналарига айтиб берибдилар. “Ўғлим, сиз бир ажойиб фарзанд кўрар экансиз, — дебди оналари, — у боладан бутун атроф нурафшон бўлар экан, иншооллоҳ!”. Ўша туғилган гўдак Турғун ака эканлар.

“Буюк хизматлари учун” орденли, бетакрор созанда Турғун Алиматов биз, асрдошлари учун, ёнимиздаги бахт. Унинг бармоқлари ёғдусига беланиб яшаётган эса биздурмиз.

Турсуной СОДИКОВА.

“ЁМОН БЎЛАДИ”НИНГ МАЪНОСИ

Қариялар насиҳат қилишни ёқтиришади. Баъзи ёшлар: “Ҳа, айтаверадилар”, деб уларнинг гапларига эътибор бермайдилар. Бу унча тўғри эмас. Масалан, даврада кимдир оёғини узатиб ё чалкаштириб ўтирса, ёши катталар: “Бундай ўтирма, ёмон бўлади”, деб танбех беришади. Чиндан ҳам бу ҳолатда ўтириш фаросатсизлик белгиси.

Мен яна баъзи фикрларимни айтсам. Шифокор дугонам бор. У турмуш қураётган йигит ва қизнинг ораси камида 3-4 ёш бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Шунда уларнинг дунёқараши бир-бирига тўғри келар экан. Баъзи қизларни ота-онаси ўздан 9-10 ёш катта йигитларга узатади. Шунда келинчақ ҳали ёшлик завқлари билан яшаётган бўлса, йигитнинг ҳиссиётлари бу завқдан узоқлашиб кетган бўлиши мумкин. Рафиқасининг айрим қилиқлари унга бачканадай туюлиши мумкин.

Ҳозир камолга етган йигитларимизнинг ҳарбийга бориб келиши фазилат ҳисобланади. Чунки бу даврда у тобланади, жиддий тортади. Ҳарбийдан қайтиб келиб уйланса, оила-

ҚАРИ БИЛГАНИНИ ПАРИ БИЛМАС

ОДОБ — АЗИЗ

Бизнинг халқимизда ҳам-ша инсонийлик мезони хушхушлик, хушмуомала, зукколик бўлиб келган.

Ривоят. Эмишки, бир юртнинг эл бошиси вақт-соати етиб қазо қилибди. Мамлакат донишмандлари янги бошлиқ танлашмоқчи бўлишибди ва танлаб-танлаб, ахир икки нафар номзод қолибди.

— Бу иккови бири-биридан мерган, бири-биридан чавадос, бири-биридан билимдон, қай бирини танласак экан? — дебди кичик донишманд.

— Мен бунинг йўлини биламан, — дебди каттаси. — Азизлар! Икковингиз ҳам бош бўлишга муносибсизлар, аммо бирларинг сал найноврок, бирларинг сал пака-нароқ экансизлар!

Бу гапни эшитиб новча киши сачраб кетибди:

— Э, амалиндан ўргулдим, — яна бир қайтар, ким бўлсанг ҳам бошингни сап-чадай узиб ташлайман!

Иккинчиси эса вазминлик билан дебди:

— Бўйга етмаса — қўсқа бўлади, ақл калталигидан худо асрасин!

— Биз иккинчи номзод элга бошчилик қила олади, деб ишонамиз. Чунки унга доим ақл, мушоадали инсонлар эмас, баъзан ўйламай

сўзлайдиган нодонлар ҳам рўпара келади. Шунда жамияти боса олмаса, унинг нодондан фарқи қолмайди-ку, — дебди донишманд.

Ҳа, азизлар, инсоннинг одоби уни шоҳ ҳам, гадо ҳам қилиши мумкин экан.

ФАРОСАТ — ФАСОХАТ

Айтишларича, бир бадавлат аёлнинг хусну ақлда тенги йўқ якка-ягона ўғли бор экан. Пайти келиб, у ўғлини уйлантирмоқчи бўлибди, овсин, эгачилари уни бир-бирдан обрўли хонадонларга совчиликка бошлаб борибди. Аммо бир-биридан савромат, сохибжамол қизлар бўлғуси қайнонага ёқмабди. Кунларнинг бирида эшикма-эшик қириб толиққан совчилар бир оддийгина уй рўпарасида тўхтаб, дам олишмоқчи бўлишибди. От-аравани бир чеккага олишиб, ўзлари катта дарахт соясига ўтишибди. Шу пайт ичкаридан бир кўза сув кўтарган новдадай қиз кўринибди. У дарахт соясини босмаслик учун чеккадан айланиб ўтиб, аёллар даврасига келиб, одоб билан салом бериб сув тутибди.

— Ташналигимизни қайдан билдинг? — деб сўрабди аёл.

— Сояга ўтанингиздан, —



дебди қиз мулоим овозда.

— Нера сояни босиб келмадингми? — яна сўрабди аёл.

— Дарахтлар соясининг ҳам жони борга ўхшайди, жони оғриётганга ўхшайди боссам, — дебди қиз.

— Мана шу қизни келин қиламан, — дебди қувониб аёл.

— Шошиб бир фикрга келмадингизми, ахир, ночоргина оилага ўхшайди, тенг-тенги билан... — дейишибди шериклари.

— Бу қизнинг қалбида гавҳардай фаросат бор. Бошқа бойликни меҳнат билан топса бўлади, бу бойлик эса Аллоҳдан берилади. Мен шуни излаб юргандим, — дебди аёл.

Фарида
АБДУМАЛИК қизи
Нафақадаги муаллима.
Тошкент.

ИБН СИНО ДЕЙДИКИ:

(Кексалар) савдо ва балғам туғдирадиган (кўпайтирадиган) ҳар қандай ғализ овқатлардан, нонхўриш ва дориворлар каби ўтқир, аччиқ нарсалардан сақлансинлар! Лекин буларни даво ўрнида истеъмол қилишлари мумкин.

Кексалар ейдиган сабзавот ва мевалар лавлаги, петрушка ва бир оз ганданодан иборат бўлиши керак. Уларни муррий ва зайтун ёғи билан хушбўй, хушхўр қилиб, айниқса, овқатдан аввал, ични юмшатиш учун ейдилар.

Саримсоқ ейишга одатланган бўлиб, гоҳо-гоҳо есалар фойдалидир.

Кексалар истеъмол қилганларида ичларини юмшатиб, гавдаларига ёқадиган мевалар — ёзда анжир ва олхўри, қиш вақти бўлса асал суви билан қайнатилган анжир қокисидир. Шуларнинг ҳаммаси ичларини юмшатиш учун овқатдан аввал ейилиши керак. Сув ва туз билан қайнатиб, муррий ва зайтун ёғи билан хушбўй қилинган қўйпечак ҳам (фойдали). Чилпоя илдизини товук шўрвасига,

ё лавлаги шўрвасига, ё карам шўрвасига солинса, (уларга мувофиқ бўлади).

Агар ичлари бир кун юмшаб, бир кун юмшамай давом этса, сурги, ё (овқатларни) сиргантирувчи давога муҳтож бўлинмайди. Агар ичлари бир кун юмшаб, икки кун тўхталиб қолса, қўйпечак, карам суви ва арпанинг суви билан махсар мағзи ёки бир ёнғоқ миқдори, ё икки ёнғоқ миқдори сақич дарахтининг елими кифоя қилади, (бу елим) жуда кўп бўлса, уч ёнғоқ миқдорида бўлади. (Сақич дарахти елими) ўзидagi хосият билан кексаларнинг ичларини юмшатади ва ички аъзоларини уринтирмасдан тозалайди.

Ёг билан ҳуқна қилиш ҳам кексаларга фойда қилади, чунки бундай ҳуқнада ични бўшатиш билан бирга ички аъзоларни юмшатиш бор, айниқса, ширин зайтун ёғи билан ҳуқна қилинса.

Кексаларни иссиқлик нарсалар билан ҳуқна қилишдан сақланиш керак, чунки улар ичкаларни қурилади.

ФАНИМАТ ОДАМЛАРМИЗ (“Гулчехралар”, 1-сон)

Пастдарғомлик Иқболой Абдурахимованинг “Ғанимат одамларимиз” сарлавҳали хати юзасидан Жума почта алоқа шуръаси бошлиғи Р. Абдушукуровдан жавоб олдик. Хатда таъкидланишича, И. Абдурахимов ҳозир ойма-ой нафақа олаётган экан.

Биз қарияларнинг нафақа пулини кечиктирмай бериш — ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз. Дуо олганга не етсин!

Хайринисо ТИЛАНОВА,
Шахрисабз шаҳри.

МУТОПАА



ШИРИННИНГ СИФАТЛАРИ

Хазрат Алишер Навоийнинг бир газалини илк бор ўқиганимда, шу воқеа ёдимга тушган эди...

Бу газалда ошиқ шунчалар рашкинки, у ҳатто, маъшуқасининг оти ҳар кимнинг тилида зикр этилишини ҳам истамайди:

Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтуғуй,

Оти онинг ҳар киши оғзига мазкур ўлмасун...

Шоир яшаган минтақада, бу ёғи Зарафшон водийсида ҳам, халқда шаклланган анъанага кўра, турмушга чиққанидан кейин кизнинг исмини деярли ҳеч ким ишлатмайди - эри тугул, ҳатто, ўз туққан онаси ҳам кўпинча уни биринчи фарзандининг оти билан чақиради.

Шубҳасиз, Навоий байтда шу ҳодисадан бадий мақсади йўлида усталик билан фойдаланган.

Отини айтиб чақиришдан тийилиш, умуман, Шарқ маданиятида, табиийки, адабиётида ҳам бор эди.

Атоуллох Ҳусайний деган олим замонасининг буюк инсонини - Алишер Навоийга бағишлаб "Бадойиёи ус-санойиё" асарини ёзган. Лекин улуғ шоир бу китобда ҳар қанча тилга олинмасин, нечоғли таърифланмасин, муаллиф бир қоидага қатъий амал қилади, имкони бор қадар **Алишер Навоий** деган сўзларни ишлатмайди. Ҳар гал бунинг учун бир ифода, сифат, тасвир топади. Боринки, бу улуғ зот номини мувашшахларга "яширади".

Исм "яшириш" одати ҳам қадим шарқона одобнинг бир кўриниши саналган. Унинг замирида қандай яширин, сирли, шу билан бирга,

жозибали маънолар бор!

"Фарҳод ва Ширин" қаҳрамонлари шоирнинг идеаллари. Улар энг камил инсонлар сифатида тасвирланади. Шунинг учун Шарқ адабиётидаги ошиқ-маъшуқни таърифловчи жамики гўзал сўзлар уларга бахшида. Шоир севишганлар тавсифида бисотидаги бор ташбиҳу истиораларни ишга солади. Аксарият ҳолларда **Фарҳод**, **Ширин** деб ўтирмай, уларни тўғридан-тўғри ана ўша таърифларнинг ўзи билан атаб кетаверади. Яна ўша гап: исмларни "яширади".

Достонни синчиклаб ўрганиб чиққанимизда, шу нарса маълум бўлдики, Навоий 153 марта **Фарҳод** деган исм ўрнига бошқа сўз, асосан, истиора, қисман, сифатлаш (эпитет) ёки изоҳловчи (перифраза) қўллаган. Исм билан ёнма-ён келган **Фарҳоди кўҳан**, **гўзал Ширин** каби ҳолатлар бу ҳисобга киритилмади.

Ширинга келганда, шоирнинг "хотамтойлиги" тутиб, бундан ҳам сазийлик қилади. Ишонасизми, достонда Шириннинг яна 180 исми бор!

Биринчидан, бу қаҳрамонни идеаллаштириш, уларнинг хислатларини бўрттириб кўрсатиш учун хизмат қилади. Иккинчидан, мазкур сўзларга муаллифнинг асар қаҳрамонларига, персонажларнинг эса ўзаро бир-бирига муносабати - симпатия ё антипатияси акс этади. Масалан, **Фарҳодни** шоир энг яхши, **Хусрав** ва унинг тарафдорлари эса энг ёмон сўзлар билан атайди: шоир уни **мажнун** деса, **Хусравнинг** элчиси унга нис-

батан **телба** истиорасини ишга солади. Гарчи бу икки сўз ўзаро яқин маъноларга эга бўлса ҳам, бир-биридан фарқ қиладиган ери бор. **Мажнун**, аслан, жинни дегани бўлса ҳам, **Шарқ** адабиётида у, асосан, **ошиқ** ўрнида истифода этилади. **Телба**да эса ошиқлик маъноси йўқ ҳисоб. Аниқроғи, бунда ошиқликдан кўра жиннилик маъноси қучлироқ.

Асарда ҳадеб қаҳрамон номини тилга олавериш услубни сийқалаштириб юбориши аниқ. Исм "яшириш" усули бунга йўл қўймайди.

Навоий Ширинни бир ерда **сарви гуландом** деб атаса, иккинчи ерда уни **ой** дейди. **Ул сиҳи сарви сарафроз**, **шўх**, **моҳпора**, **жамоли гети орой**, **дилбар**, **ошуби замона**, **гулрух**, **хўблар султони**, **маҳваш** ва бошқа кўплаб ифодалар Ширин таърифида хизмат қилдирилган.

Бу маҳорат қирраларининг бари ўқувчини, яъни асар таъсирчанлигини оширишни ўйлаб қилинган. Бу байтда **бедил** — **Фарҳодни**, **маҳваш** — Ширинни англатиб келадиганини китобхон қийналмай билиб олаверади:

Не бедил таркини тутмоққа хушнуд,
Не маҳвашқа насихат айлабон суд.

Шириннинг **Фарҳодга** йўллаган ўша машхур мактубида шундай байт келади:

Демон бир шамъдин парвона сори,
Самандардин бир оташхона сори.

Бу ерда Ширин ўзбекона назокат фасоҳат билан зимдан аввал ўзини шамга ва **Фарҳодни** парвонага, кейин эса ўзини ўтда куймайдиган самандарга ва ошиғини олов ёниб турган оташхонага ўхшатапти.

Хуллас, бу таҳлиллардан шоир қаламининг соҳир кучини туямиз. Гўзаллар таърифида ўзбек сўз усталари ичра Навоийга етари йўқ.

Султонмурод ОЛИМ.

ШОИР БЎЛГИНГ КЕЛАР 18 ЁШДА

НАФИСАДАН ХАТ КЕЛДИ

Чекка бир қишлоқда оддий ишчи оиласида туғилдим, кенгликларда, чанг кўчаларда ўйнаб-ўсдим. Оддийгина мактабнинг оддий синфларида юрагим илҳомланиб ўқидим. Аммо олий маълумотли бўла олмадим. Турмуш қурдим, паст-баланд ташвишлар билан ўзимни овутиб, фарзандларим қувончи билан ўзимни унутиб яшаётган дамларимда мени шунчалик қўллаб-қувватлаганларингиз учун Сизлардан жуда-жуда миннатдорман. Қўлимдан қалам тушмаса дейман. Эрталабдан кечгача рўзгор ташвишлари билан толиқсам ҳам шеър ёзгим келаверади, ҳатто ёзганларимни қўшиқ қилиб айтгим келади. Юрагимдан тўлқинланиб-тўлқинланиб чиқади сўзлар.

ТЎРТЛИКЛАР

Икки дил топишса аъло бўлади,
Бири Мажнун, бири Лайло бўлади.
Ўртада ниш урса гар қора тикон,
Икки дил бошига бало бўлади.

Дунё эшикларин очдик бирма-бир,
Кўрлик галватарни — лиммо-лим бозор.
Келар йўлимизни биламиз, аммо,
Кетар чоғимизни билмасмиз зинҳор.

Нафиса САМАТОВА,
Чортоқ тумани.

СИНФДОШ

Гоҳ аразлаб, гоҳ қулиб,
Гоҳ очилиб, гоҳ сўлиб,
Эспайман кўзимда ёш,
Шўхликка бой, синфдош.

Баҳорда қордай эриб,
Тоғларда лола териб.
Содда эдик, ҳам ювош,
Олқиш сизга, синфдош.
Лазиза ЙЎЛДОШЕВА,
Фаргона вилояти, Яйпан тумани.

Қишлоғингиз, туманингиздаги ёшлар ҳақида бизга ёзиб юборинг, азизлар, деган сўзларингизни ўқиб, қўлимга қалам олдим.

Синглим Дилноза 6-синфда ўқийди. Икки йил олдин шеърлар ёза бошлади. Ёзганлари бизга ёқади. Дилноза уй ишларига ҳам ўқувчи. Кашта тиқиш, урчуқ йиғириш, тиқиш-бичишга ҳам

қизиқади. Шеърлари Сизларга ҳам ёқиб қолса, деган умид билан юбораямман.

Абдуғани ШОВРИҚОВ,
Чирокчи тумани.

Алифбе, адабиёт,
Муस्ताқил сенда ҳаёт.
Тарихсан, она тилим
Сен билан софдир дилим.
ДИЛНОЗА.

ИСТИҚЛОЛ

Гулларнинг баргини шабнамлар ювди,
Сўлиган чечаклар кўз очди бугун.
Истиқлол шодлиги гамларни қувди,
Қўшиқлар битайлик Хуррият учун.

Йиллар оша яша, майли асрлар,
Яшайвер, бағрингда топайин камол.
Шеърятдан курсам улкан қасрлар,
Ҳеч кимга бермайман сени, Истиқлол!

Нигора РУСТАМОВА,
Шахрисабз тумани,
9-синф ўқувчиси.

"Гулчехралар"нинг шеърый сазифаларини жуда севиб ўқийман. Ўзим ҳам машқ қиламан. Мактабимиздаги "Ёш қаламкашлар" тўғрагига қатнашаман.

Бошимда нулланиб турибди осмон,
Шодлигимга шерик бу боғу бўстон.
Мен мағрур яшайман ўзбеклигимдан,
Жонимсан, шайимсан, эй Ўзбекистон.

Камола ФАРМОНОВА,
Андижон вилояти,
Избоскан тумани,
Луғумбек қишлоғи.

БУНДА ҲАММА НАРСА ҚОФИЯДОШДИР

ВАЯНГОН АФСОНАСИ

Уша тепаликдан йилнинг маълум бир вақтларида ҳаво сокин пайтларда йиғими, аллага ўхшаган саслар эшитилиб тураркан. Биров сурнайнинг сасини эшитдим, дер экан. Яна биров шўролар тузумининг авжи пайтида тепаликка қараб трактор ҳайдаган, кейинчалик шол бўлган одамнинг тақдири ҳақида гапирарди. Асосийси, сўнгги йиллар бўйи ҳам унутолмаганим бир гапни эса энам айтгандилар.

— Ай, болам бу муҳаббат дегани кулфат ҳам олиб келар экан, шу кўриб турганинг Ваянгон қалъаси ҳам бир хотиннинг муҳаббати сабаб барбод бўлган, ер юзидан ўчиб кетган-да.

Аллақайси китобларда ўқиганларим ҳаёлимга келавради: “Клеопатранинг бурни кийишқ бўлганда, Европа тарихи янгидагидан яраларди”. “Бир аёл учун дарёлар суви бўғилади”. “Бир аёлга етишмак учун Англия қироли XII асрда тахтдан воз кечали”.

Хаа... аёлниги ўзи сўнгсиз мўъжиза.

Ваянгон афсонасини эшитганимда жуда ёш эдим. Қалъа харобалари қишлоғимизнинг ёнгинасида жойлашгани учун бу гапларни ёшу қари биларди.

Бир куни ёв келиб қамал қилибди, гуллаб-яшнаётган қалъада бир ойдан сўнг очлик бошланибди. Ана шундай кунларда минорага чиққан подшонинг қизи Ойбаниз душман сардорини кўриб ақлу ҳушидан айрилибди. Сардорнинг алп қомаги, совуту дубулгалири қизни асир этибди. Қамалда судралаётган лаҳзалар фақат ёр дийдорини кўриш учунигина илгариларди. Очликдан куч-қувватдан қолаётган қизга ёбончи муҳаббати куч-қудрат бағишлабди. Душман лашкарбошиси сиймоси ўнгу сўлида намён, тунда тушларининг ҳукмдори бўлибди. Жавобсиз ишқдан Ойбаниз телба да-

ражасига етаёзиди. Не қилмоқ керак деган маънода маслаҳат қурган сарой аъёнлари, иккита ҳўқизни буғдойга тўйдириб, тонгда дарвозадан чиқариб юборишди. Ўз навбатида очликдан қийналаётган ёв лашкарлари дарров ҳўқизларни сўйиб қозонга босишди. Ва ҳўқизларнинг буғдойга тўйганлиги ҳақидаги хабар лашкарбошига етиб борибди. Лашкарбоши амалдорлари билан кенгашгач: қамални тўхта-тинг, дея буйруқ берибди.

Шундан сўнг ёв кўч-қўронини йиғиштириб жўнашга ҳозирлик кўрибди. Қалъа ташқари-сидаги ҳар бир ҳаракатни киприк қоқмай кузатаётган қиз, душман қароргоҳидаги ўзгаришдан эси оғиб қолаёзиди ва зуллик билан ёв лашкарбошисига мактуб битти. “Яна бир оз сабр эт, галаба сен тараф. Қалъа очликдан қулай деб турибди”.

Йўлга шайланган сарбозлар қарвони яна юкларини бўштиб, ўрнашиб олибди. Девор шинакларидега кузатиб турган моноқликлар не ҳоли-сот содир бўлганини билмай саросимада подшоҳнинг олдида югуришди. Малика Ойбаниз дийдор яқинлашганидан сархуш ҳаёлларга берилибди, туйнукдан тушаётган ёруғликдан қорачуқларида ёнаётган алланарса “милт-милт” этиб кетаркан.

Ҳайит байрамлари, сайилларида Ваянгонга зиёратга бориб қолгудек бўлсак, энам девор харобаларида қолган вайрона минор қолдиқларини кўрсатиб, шу ердан Ойбаниз камон отган, бари фаторат ана шундан сўнг бошланган, ай кўнглига асир бўлган хотин, дердилар оғир ҳўрсиниб. Алланенинг тимсолидай девор харобаларида турлар ҳилпирабди.

Алқисса, очликдан таслим бўлган Ваянгон қалъасини ёв ер билан яксон этибди. Қалъанинг эр йиғитлари қатори подшо-си ва унинг яқинлари ҳам қ и л и ч д а н ўтказилибди.

Ана ўшанда кўзлари муҳаббатдан сўқир Ойбаниз ясениб, тонгги куёшдай порлаб сардорнинг қошида пайдо бўлибди. Сардор тенгсиз гўзалликка маҳлиё бўлиб, уни мамнун қаршилабди, нозик ва қалтираётган кўлларидан ушлаб амр этибди: “Ўз тувилгон юртига, отасига вафо қилмаган қиз менга ҳам вафо қилма-гай, чуу де...”

Алқисса, гўзал Ойбанизни отта судратиб пора-пора қилишди.

Ушандан Ваянгон қалъасининг тупроқлари шўр, оппоқ эмиш қизнинг кўз ёшлари излари ўлароқ.

Ушандан бери Ваянгон қалъаси

Ваянгон қабристонига айланган. Чунки ёв чопқинидан тирик жон қолмаган экан.

Ушандан бери бутун қалъанинг паст-баландликларини, қабрлар орасини қоплаган қудранг йўлгунлар, қамишлар шамол бўлмаса ҳам чайқалиб, тўё бошларини тебратиб тинмай, йиллар бўйи, асрлар оша алланелар ҳақида шивирлармиш, айни ўша чоғларда йигинингми, алланингми армонли саслари эшитиларкан.

Ушандан бери девор харобаларининг ўрнида баланд-баланд қадимий ёғочларнинг бошида туссиз алам-туғлар ёзу қиш шамолларида аламли тебранаркан.

Орадан кўп йиллар ўтиб кетди, раҳматли энам ҳам Ваянгон қалъасининг олис хотирасига айланди улгурдилар. Катта шаҳарнинг шовқинларидан ҳориб баъзан Моноққа бориб қолсам, ҳамиша аж-доқлар, улуглар ва менинг уруғларим ётган Ваянгон қабристонини зиёрат этишга борамак. Энамнинг муҳаббат ҳақидаги, аёлниги кўнгли ҳақидаги гапларини бот-бот эслайман.

Муҳаббат улуг туйғу ҳамиша эзуликлан озиқ олиб яхшиликка, нурга йўналгани яна ҳам гўзал. Муҳаббат — у аёлниги улуг номи билан боғлиқ, у тенгсиз қудрат, сеҳр матонат қувватига эга, дунёнинг етти мўъжизасида, хусусан Артемида ибодатхонасининг тарихига айланган шаънида, Тож Маҳал қасрининг мангулигида ҳам унинг қудрати беҳис.

Оламда яшайдиган олти миллиардан ошиқ инсон бир-бирига ўхшамаганидек, муҳаббат афсоналари ҳам бир-бирига ўхшамас. Дунёнинг, тирикликнинг йўллари эгри-бугри, оламни қаритган муҳаббат савдолари ҳам турфа хилдир.

Саломат ВАҒҒО.

БИРИНЧИ ХИКОЯ

Аёлниги қисмати — сабр, дейди бир файласуф.

Хар аёл борки, юрагида битта арслон ухлаб ётади, дер эдилар момом. Шу икки иборада ҳам ажиб сирни кўрдим мен. Аёлниги кўнгли қанчалар ҳокисор. Ва шунчалар буюк! Лекин шундай бир ҳақиқат ҳам мавжуд. Аёл қалбини ҳеч ким ханузгача кашф этолган эмас. Бу оламда аёл ўзини ўзи кашф этиб яшайди!

Сиз аёлниги кўнгли дафтарини ҳеч варақлаганмисиз?

Унинг саҳифаларида дунёни ҳайратга солгулик сир асрорлар мужассам. Сиз улардан огоҳ бўлсангиз борми...

Элас-элас ёдимда...

Қишлоғимиздаги Суюн тракторчи уч йиллик аскарликка бориб, ўша ёқдан уйланиб келди. Олиб келган келинчаги мобий кўзли, малласоч, ўзи ҳам уятчангина экан. Хар нарсани Аллоҳнинг иродаси деб тушунадиган қишлоқликлар бу ажабтовур воқеани оддийгина қабул қилишди. Ҳатто йигитнинг отаси — қишлоқда ҳеч кимга сўз бермайдиган Мардонкул бобо ҳам пешонанга ёзилгани шу экани, ўғлим, майли, начора,

МЕНИНГ КЎНГЛИМ

Кўнгли нима?

Уни нимага қиёслаш мумкин?

— Кўнгли Қазбага ўхшар, — дейди Шарқ донишмандларидан бири. — Яратган билан оламдаги барча зот ўртасида ҳижоб бор, лекин кўнгли билан Тангри таоло ўртасида ҳижоб йўқдур!

Кўнглингдан ўтказганинг Аллоҳга аён, деганлари шундандир.

Бўйимдек бўй тоғимда кўнглимдек кўнгли тонмадим, дебди ўтмишда бир аёл. Демакки, ҳар кўнгли ўзича бир дунё. Уни забт айламак ҳар қандай маҳбуб учун осон эмас! Азизим!

Айттил, дунёнинг энг буюк сир синоп-

энди ўзимизнинг ирим-сиримни қилиб эл-юртни хабардор этайлик, деб эртасигаёқ тўй бошлаб юборди. Янгалар атлас кўйлақлар кийдириб, қизни ясантирдилар. Кўнги-роқ сочларини шоҳи рўмол остига беркитишди. Отингни Марина эмас, Майрам дея қолайлик, деди кампирлар. Қиз ҳаммасига кўнди. У тўйдан кейин Суюн тракторчининг ота-онаси ва қариндошларига бирпасда эл бўлиб кетди. Қишлоқ келинларидан ўзбекча сўзлашишни ўрганиб олди. Лекин бир йилдан кўпроқ вақт ўтгач...

Суюн тракторчининг аёли юртига кетиб қолибди, деган гап тарқалди. Ҳатто тракторчининг ўзи ҳам бундан беҳабар эмиш. Қариндош-уруғларнинг бошлари қотди. Нега кетади? Биноийдек юрган эди-ку?! Шунда қайнона ҳамсоясиникига қикди. Сенинг Норбуви келининг билан апоқчапоқ эди у. Сирини шунга айтгандир, деди. Норбуви келини қийин-қистовга олишди. У қизариб-бўзариб бир гапни айтди:

— Ўғлингиз Маринани эркаламай қўйганимиз. Шу учун кетаяпман, дедим.

Бу гап бир зумда қиш-

локқа ёйилди. Тавба, шу ҳам бахона бўптими?! Кимдир кулар, яна кимдир ажабланибди. Орадан бир йил ўтиб, тракторчи бошқа аёлга уйлангач, бу воқеа ҳамманинг эсидан чиқиб кетди. Лекин гоҳ-гоҳида тўйларда қизқичлик бошланса, даврадагилардан бирови, Суюн тракторчининг илгариги аёли нима учун кетганини биласизларми, деб ҳаммани қулдиар эди.

Йиллар ўтди. Қишлоқ аёли ўзини таний бошлади. Ҳақ-хуқуқини билди. Аёллик сифатларини тушунди. Шундай кунларнинг бирида аёллар даврасида

беихтиёр яна ўша воқеадан сўз очилди.

— Ўшанда тракторчининг хотини айтган гап ҳаммага аския бўлди, лекин ўйлаб қаралса, шу гап тағдир аччиқ ҳақиқат бор, — деди аёллардан биттаси. — Ахир қишлоқлик йигит уйланса дастлабки ойларида келинчагининг кўнглига қарайди, эркалатади, ширин сўзларини аямайди. Кейин-чи, кейин? Бир неча ойлари ўтиб, гулдай келинчақ оддий аёлга айланади. Аввалига уй юмуши, сўнг бола ташвишидан ортмайди. Бу вақтда қуёв қўчадан бери келмайди. Ўзаро меҳру муҳаббат йўқолади, кўнглилар бир-биридан узоклашади. Қаранг-а, бирга яшашида лекин бир-бировига интилиш йўқ. Аслида оила шундай бўлиши керакми? Йўқ! Аллоҳнинг гувоҳлигида муқаддас қасам билан бирлашган келин-қуёв умрбод бир-бирининг кўнглини иситиб яшаши керак.

Даврадагилар жимиб қолишди. Ҳаммасининг кўнглидан деярли бир хил ўй кечарди, аёлга муҳаббат. Эркакларимиз қалбидан шундай меҳр-муҳаббат бормикин, ўзи? Агар бор бўлса, нима учун биз аёллар уни ҳар доим ҳам ҳис этавермаймиз?

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ХУКУКИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ВАСИЙЛИК

Вояга етмаган ёки жисмоний нуқсонли тувайли муомала лаёқати чекланган шахсларга васийлик белгиланади.

Болага нисбатан васийлик белгиланиши учун унинг ота-онаси вафот этган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши учун тўла асослар бўлиши лозим. Ота-она ичкиликка берилиб, ахлоқсиз ҳаёт кечирувчи бўлса ёки болани тарбиялаши учун нормал шароитни яратиб беришга қодир бўлмаса, шунингдек, улар қамоқхонада жазо ўтаётган бўлса боласига васийлик белгиланади.

Васийликка манфаатдор шахс судга нима учун васий бўлишни талаб қилаётганлигини тўла асословчи ариза бериши лозим. Унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади.

1. Оталик, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
2. Оталик, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлик тўғрисидаги суд қарори;
3. Отанинг, онанинг судланганлиги тўғрисидаги суд қарори ва қамоқхонада эканлигидан далолат берувчи маълумотнома;
4. Ота ё онанинг ота-оналик ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечиши ҳақида судга берган аризаси;

Васийликка ариза берган шахснинг эса:

1. Паспорт маълумоти;
2. Маҳалладан маълумотнома;
3. Ишлаш жойидан маълумотнома;
4. Иш жойидан маълумотнома ва тавсифнома;
5. Тўлиқ тиббий маълумотнома.

Васий этиб тайинланаётган шахснинг шахси тўлиқ аниқланади. Тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади. Васийликка олинаётган шахсдан унга қандай манфаат бор, бу манфаат ғаразли эмасми — барчаси ўрганилади.

Болага унинг яқин қариндошлари ихтиёрий равишда, улар бўлмаган тақдирда ўз тарбиясига олаётган бошқа шахс ёки муассаса васий этиб тайинланиши мумкин.

Сурайё РАҲМОНОВА,
хуқуқшунос.

БИЛИП КЎЙГАН ЯХШИ

СУМКАЧАҲНИНГ ЧАРМДАНЛИГИ

Азалдан ота-боболаримиз, момоларимиз мол, қўй терисига ишлов бериб, ундан кийим-кечак, маҳси, кавуш, этиклар тикишган. Чармдан тайёрланган буюмлар сифати, табиийлиги, иссиқлиги билан инсон соғлигига фойдала эканлигини улар яхши билишган. Ҳозир ҳам чармдан тайёрланган буюмлар жуда хари-доргир.

Харид қилаётганда иложи борица табиий чармдан тайёрланган буюмларни танланг. Табиий чарм юмшоқ ва майин бўлади. Савдо пештахталарини тўлдириб турган сунъий чармдан бежирим тайёрланган буюмлар кўзингизни алдаши мумкин. Сал намланган латта билан танлаётган буюмингизнинг ички

томонидан бирон жойини секингина артиб кўринг. Табиий чарм бўёқни ўзига яхши сингдиргани учун бўёғи юқмайди.

Ёмғирли, қорли кунларда кўчадан келган заҳоти ҳўл бўлган кийимингизни қуруқ латта билан артиб кўйинг. Айниқса, болаларингизнинг пойафзалини лой тегса ювиб, қуруқ латта билан артиб, енгилгина мойлаб (сотувда чарм учун мўлжаллаб чиқарилган мойлар бор) туринг. Асло иссиқ сув билан ювманг. Иссиқ сувда чарм қиришади. Буюмингиз ҳўл ҳолда қолса, вақт ўтиши билан сифатини йўқотиб, билинар-билинамас ёрилиб, йиртилади. Болангиз шўхлик қилиб кийимини бирон жойга илиб, озгина йиртиб қўйса

тезгина тиктириб ёки билантирмай яматилингиз мумкин.

Модалар ательеларида чарм буюмларни таъмирлаш бўлимлари ишлаб турибди. Аёллар мўъжаз чарм сумкачаларни хўш кўришади. Сумка ва кармончаларни ҳам вақти-вақти билан аввал латтани намлаб, сўнг қуришти-ртиб туриш яхши. Кўпинча сумкангизнинг юза қисмини тезгина артиб қўясиз, ён томонига унчалик эътибор бермаслигингиз мумкин. Шунинг учун унутмангки, аёлнинг диди, фаросати сумкасидан кўри-ниб туради.

Чармдан тайёрланган буюмларингизга доим эътибор берсангиз, парвариш қилиб борсангиз кечагина сотиб олингандай яраклаб, кўзингизни қувонтиради.

Т.ХУММАМАТОВА
тайёрлади.

ТАБИИ – УЗИНГИЗ

САНОНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Кўплар сано (маккаи сано)ни фақат сурғи, ичли тозаловчи дори сифатида билишади, ҳолос.

«Хавосул-ашё» рисоласида сано ҳақида қуйидаги таърифлар бор:

«...Кимки икки ярим мисқол (бир мисқол — 4,25 грамм) маккаи санони асал билан истеъмол қилса, кишининг белини бақувват қилади, агар қанд билан еса бадандаги совуқликни ҳайдайди. Агар шакар билан сано ейилса, кўкракни балғам ва хилтлардан тозалайди, иштаҳани очади. Новвот билан ейилса сезгиларни бақувват қилади. Ёғ билан бирга бир оз шакар қўшиб ейилса, ҳеч қандай заҳмат(касаллик)га мубтало бўлмайди, ҳамиша саломат бўлади. Агар ёғ билан ей-

илса, сафронни қувади ва педан ҳосил бўлган оқликни йўқотади, меъдадаги ҳар қандай фасод моддаларни суриб чиқаради. Агар сано сугир сутти билан бирга истеъмол қилинса, юз рангини очади ва кучни оширади. Агар қўй сутти билан ичилса, кишига жинсий қувват бағишлайди. Агар туя сутти билан ичилса, одам доимо хушқаёт бўлади ва истиско (сарик сув касаллигини) ҳайдайди. Агар шуни аёл ичса, у доимо қиздек бўлади. Агар оху сутти билан ичилса ҳам эрлик қувватини оширади. Бунда киши қанчалик йўл юрмасин, ҳеч чарчамайди. Агар янги хурмо билан бирга сано ейилса, тўқ тутати, очлик уни қийнамайди.

Агар сано анор суви билан ичилса одам бақувват бўлади, иштаҳани очади, кўрак огригини қувади. Киши ҳар хил дардларга гирифтор бўлмайди. Агар тотим (суммоқ, сумак) суви билан ичилса, қориндаги ҳар хил қуртларни ҳайдайди, бадандан заифликни қувади.

«Хавосул-ашё» дан.

ЧЕВАРХОНА

ЯРАШГАНИНИ ТАНЛАНГ



Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноати институти қошида ташкил этилган «Модалар театри» етакчиси Холида Комилова бошчилигида дизайнерлар қизлар-

га атаб кўркам ва бежирим либослар яратишмоқда.

Кўйлақлар атлас ва сидирга газламадан серхашам қилиб тикилади. Турли тантанали кечалар, театр ва меҳмондорчилик учун мўлжалланган бу либослар қизларга латиф, мунис кўриниш бахш этади, замонавийликни бўрттириб кўрсатади.

ЎСМИР БОЛАЛАРГА

Фарзандларимизни чақмоқдай кийинтириб қўйгимиз келади. Аммо ҳар доим ҳам ўсмир болаларга мос кийимлар бўлавермайди.

Ёш дизайнер Маъму-

ра Қудратова тақдим этаётган ушбу костюмлар ўсмир болаларга мўлжалланган. Жун ва лавсан матосидан тикиладиган бу либослар болаларни яшнатиб юборади.



ШАҲЗОДАНИНГ КАЙЛИГИ

Голландия кўчаларида минглаб одамлар шаҳзода ва унинг аргентиналик ёқимтой кайлиги Максими Зоррогу-таннинг пешвозига чиқдилар. Олтин ҳаллари билан ярқираган извошни кутлаганлар — тахт вориси шаҳзода Виллем-Александр ва келинчақ Максими олқишлаган оломон оловрангли гуллар, турли маскарад либослари, ленталар, шарлар мавжи, алангасида шодумон эдилар. Айниқса, ёш қизлар ҳаяжонли эдилар.

Киролича Беатрикснинг уч ўғли бўлиб, тўнгичи 35 ёшида уйланмоқда эди. Қарийб бир аср давомида тахтга кироличалар ворислик қиларди. Ана энди тўнгич ўғил тахтга ворислик қилади.

Момоқаймоқдай сулув малика Максими голландияликлар шоду хуррамлик билан қарши олаётгани ҳам шундандир. Қадами кутлуг келган бўлсин...

РЕЖАЛИ БУРГУТ

Бургутлар ҳам оилани режалаштиришни биларканлар. Африка чўлларидаги она бургут ҳар икки йилда битта ёки иккита тухум қўяди. Тухум очиб чиққан жўжа ўзидан уч кун кейин дунёга келган оғасини хушламайди, уни ўз ўлжасига айлантириб, яққа ҳоким бўлишни яхши кўради. Ҳар икки юз километрга битта бургут тўғри келиши — бургутларнинг кун кечириши, эркин парвози ва тўқ бўлиши учун яхши экан. Ана шу қатъий режага асосланган она бургутлар икки йилда битта полапон ўстиришга ҳаракат қиларканлар.

СИНАМАГАН ОТИНИНГ

Янги йил байрами оқшомида уфалик бир киши йил рамзи бўлган Отга азбаройи меҳри жўшиб кетиб, уни ўпса бўладими? Бундай «меҳрибонлик»ни жини ёқтирмаган Отнинг қаҳри келди. Отнинг деви бор деб бежиз айтмайдилар-да! От «меҳрибон»ни тиллаб олди. Лабидан айрилай деб қолган ишқибознинг жонига жарроҳлар ора қиришди: муолажа билан «тиртиқ» лабни ўз холига қайтаришди.

От йилига ихлос уфаликлар учун байрамга айланиб кетди: кўча-кўй, майдонларда От билан сувратга тушиш авжига чиқди. Отда сайр қилишни айтмасизми? Отни конфетлар, ширин зоралар билан сийлашмоқда. Лекин... синамаган отнинг сиртидан ўтма, деган нақлни унутмаган мақул-да!

СИРТИДАН ЎТМА

ГУЛЧЕХРАЛАР

Хотин-қизлар учун адабий-маърифий нашр МУАССИС:

«Саодат» журнали жамоаси

БОШ МУҲАРРИР: Ойдин ҲОЖИЕВА.

Ношир: «ШАРК» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.

Нашр кўрсаткичи — 618, 619

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00250 - тартиб билан рўйхатдан ўтган.

Қроғ бичими — А-3

Ҳажми 2 босма тобок

Г - 115 буюртма

119316 нусхада чоп этилди.

07.02. 2002 йил босишга

рухсат этилди.

Сотувда нархи эркин.

Нашр муҳаррири:

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Масъул котиб:

Адҳамжон ЖҲРАБОВ



133-68-10

133-49-03.

Газета «САОДАТ» журнали компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

«САОДАТ»НИНГ ЯНГИ СОНИДА:

*Қариси бор уйнинг париси бор.

*Узилган бир киприк абад йўқолмас.

*Халқ артисти Гавҳархоним РАҲИМОВАнинг ҳаёт саҳифалари.

*Хуршид Дўстмуҳаммаднинг янги ҳикояси.

*Шоир Саъдулла ҲАКИМнинг янги шеърлари.

*Мегавати хоним.

*САРВКОМАТ бўлай десангиз...